

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАНИ ДОИРАСИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

*Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи
Андижон давлат университети таянч докторанти*

***Аннотация:** Ушбу мақолада креативлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, педагогик технологиялар фани доирасида талабаларнинг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантириш технологияси ва технологияни амалга ошириш босқичлари ҳақида фикр юритилган.*

***Таянч иборалар:** креативлик, компетенция шахсий-креативлик, креатив потенциал, технология, лойиҳа, модел, тамойил.*

***Аннотация:** В статье рассматривается сущность концепции творчества, технология развития личностно-творческой компетентности студентов в области педагогических технологий и этапы реализации технологии.*

***Основные термины:** креативность, компетентность, личное творчество, творческий потенциал, технология, проект, модель, принцип.*

***Annotation:** This article discusses the essence of the concept of creativity, the technology of development of personal-creative competence of students in the field of pedagogical technology and the stages of implementation of technology.*

***Basic terms:** creativity, competence, personal creativity, creative potential, technology, project, model, principle.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим сифатини ва самарадорлигини ошириш йўлида таълим-тарбия жараёни иштирокчилари учун зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб берилиши олий ўқув юртлари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ҳам ўзига хос масъулият юклайди.

Бугунги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу, албатта, ўтмишнинг ижобий ғояларидан, илғор тажрибаларидан воз кечиш дегани эмас, балки бой илмий салоҳиятга таяниш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва зарурат бўлса наъмуна олиш асосида амалиётга тадбиқ этишни таъминлаш демакдир.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида таълимнинг асосий мақсадларидан бири креатив шахсни шакллантиришдир. Педагогика олий ўқув юртлари олдида касбий ва кундалик фаолиятда ижодий маҳорат кўрсатишга қодир бўлган креатив компетенцияга эга шахсни тайёрлаш вазифаси қўйилган. Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевордир, десак, айти ҳақиқат бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.¹

Шу маънода мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи шахсий ривожланишнинг янги усулларини фаол излаш, унинг ижодий ташаббуси, мустақиллиги, ҳаракатчанлигини ривожлантириш даври сифатида белгиланади.

Ҳар бир шахс потенциал равишда креатив ривожланиш эҳтиёжларига эга. Келажагини буюк бўлишига интилган инсон борки, ҳар доим ўзини янгидан яратиши, кашф этиши лозим.

Олий ўқув юртларининг педагогика ва психология таълим йўналиши талабаларида Педагогик технологиялар фани доирасида шахсий-креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий модели ўз навбатида мазкур жараённи амалийлаштириш, маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил этишда технологик ёндашувни татбиқ этишни талаб этади.

Маълумки, бугунги кунда таълим-тарбия жараёнига технологик ёндашув масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Технологик ёндашувнинг энг

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил, 31 август.

асосий афзалликлари кутиладиган натижаларнинг олдиндан белгиланиши, ана шу натижаларга асосланган ҳолда, ўқув мақсадининг белгилаб олиниши, ўз навбатида таълим мақсадини ўқув вазифаларга айлантирилиши, таълим шакл, метод ва воситаларининг тўғри танлаб олиниши, ўқитувчи ва талаба фаолияти босқичларининг алоҳида-алоҳида лойиҳалаб олинишини ташкил этилади.

Педагогик технологиялар фанини ўқитиш жараёнида мавзулар доирасида талабаларда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришнинг уч босқичли технологияси ишлаб чиқилди.

Ушбу технологияни биринчи босқичи “Фанга оид билимларга эга бўлиш” деб номланиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш асосида амалга оширилади:

- педагогик технологиялар фанига киришда талабаларнинг дастлабки шахсий-креатив компетенциясини аниқлаш (тест, ёзма ёки графикли матнлар орқали);

- педагогик технологияларга оид манбалар билан танишиш. Бу жараёнда имкон доирасида талабаларнинг индивидуал фаолият олиб боришларига эришиш. Индивидуал ишлаш жараёни ҳар бир талабада ўз вазифасига мустақил ёндашишини тақазо этади. Натижада, ўз шахсий фикр, шахсий муносабат, шахсий креатив сифатлари ўсади;

- фанга оид мавзулар юзасидан индивидуал тарзда қўйимча манбалар йиғиб, ўрганиб бориш вазифаси топширилади.

Технологиянинг иккинчи босқичи “Мавзуларни таҳлил этиш ва ўзлаштириш” деб номланиб, мазкур босқичда педагогик технологияларнинг ижтимоий-таълимий, шахсий аҳамиятини аниқлаш ва таҳлил этиш вазифалари ҳал этилади.

Педагогик технологияларнинг ижтимоий-таълимий, шахсий аҳамиятини аниқлаш, таҳлил этиш мақсадида ассесмент топшириқлардан фойдаланиш мумкин (*1-илова*).

Ассесмент топшириғи (1-илова)

<p style="text-align: center;">ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА</p> <p>АҚШ Президенти Д.Трамнинг ўз бизнес фаолиятидаги ҳаётий лавҳалардан. “Рикардо Беллини исмли бир йигит мен билан ҳамкорлик қилиш ниятида ўзининг бизнес-режасини тақдим этмоқчи бўлди. Мен нима қилдим? Мутлақо танимаган одамимга вақт ажратиш малол келгани учун балки фикридан қайтар дея унга атиги уч дақиқа вақт ажратишимни айтдим. Аммо бу Рикардони асло чўчитмади. Ва уч дақиқа ичида шундай тақдимот қилдики, мен у билан ўша куниёқ ҳамкорлик битимини имзоладим”!.</p> <p>1. Вазиятни таҳлил қилинг. Вақт жуда кам бўлганда инсон ўзини қандай чегаралай билиши лозим?</p> <p>2. “Бугунги жамиятда ҳаёт креативликни ва қисқаликни талаб этади”. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?</p>	<p style="text-align: center;">БЛИЦ ТОПШИРИҚ:</p> <p>Фақат бугунги куни билан яшайдиган, атроф-муҳитдаги ҳолатлар, жамиятдаги муаммо ва эришилган ютуқлар, ўзгаришлар у учун муҳим эмас. Унинг бесамар, бемазмун ўтаётган вақти ким учундир катта орзу.</p> <p>Агар сиз шундай инсонга тўқнаш келиб қолсангиз, нима деган бўлар эдингиз? Гап қандай инсонлар ҳақида кетяпти. Фикрларингизни иерархик кетма-кетликда ифодаланг:</p> <p>1.</p> <p>2.</p> <p>3. ва ҳ.к.</p>
<p style="text-align: center;">АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> <p>Абжир бўлса фарзандинг, чўлдан нон терар. Ялқов бўлса фарзандинг, ердан дон термас.</p> <p style="text-align: center;">Ўзбек халқ мақоллари</p> <p>Ушбу мақолни изоҳланг ва билимли, ижодкор фарзанд тарбиялашга оид халқ мақолларидан намуналар келтиринг.</p>	<p style="text-align: center;">ТЕСТ</p> <p>“Креативлик” тушунчасига кластер тузинг.</p> 

Технологиянинг учинчи босқичи “Мавзуларни шахсий-креатив компетенцияларни ривожлантиришга йўналтириш” деб номланиб, мазкур босқичда аниқ ҳаётий ва педагогик вазиятларни ҳал этишда ўзларининг шахсий-креатив ечимларидан фойдаланиш вазифаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Аниқ ҳаётий ва педагогик вазиятларини таҳлил этиш – талабаларда ўзларининг шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришнинг самарали методи ҳисобланиб, талабаларда ҳаётий ва педагогик фаолиятда юзага келувчи вазифаларни таҳлил этиш қобилиятини, муаммога нисбатан ўз ижодий жавобини бера олиш сифатларини ривожлантиради. Қуйида ҳаётий ва педагогик вазиятлардан намуна келтирамиз (2-3-иловалар):

Аниқ ҳаётий вазиятлар (2-илова)

Оилада муҳит шундай шаклланганки, фарзандлар ота-онасини хурмат қилмайди. Ота-она ўғил-қизига қанча меҳр бермасин ёки моддий тарафдан қўллаб қувватлашига қарамасдан фарзандлар уларнинг сўзларига кулоқ солмайди.

Педагогик вазият (3-илова)

Ёш мутахассис мактабда фаолият кўрсата бошлади. Унинг мактабдаги педагоглар жамоасини ўрганишида шу аён бўлдики, мазкур жамоада бирлик йўқ. Яъни, улар мактаб директори ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари тарафдорларидан иборат икки гуруҳга ажралишган. Бундай вазиятда ёш мутахассис қандай йўлни танлаши керак деб ўйлайсиз?

Ушбу ҳаётий ва педагогик вазиятларни ечишда семинар-мунозара шаклини ташкил этиб, мазкур жараёнда “ақлий ҳужум” методидан кенг фойдаланиш мумкин.

Изланишимиз доирасида ишлаб чиқилган “Педагогик технологиялар фанини ўқитишда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантириш технологияси” ўзаро бир-бири билан боғланган ва алоқадор алгоритмлар тарзида лойиҳаланган бўлиб, энг асосийси мазкур технологиянинг амалий татбиғи унинг технологик тамойил ва мезонларга тўлиқ жавоб беришини кўрсаташи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил, 31 август.

2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Т.: - 2015.

3. Мироненко Е.С. Компетенции XXI века vs образование XXI века. Вопросы территориального развития. Вып. 2(47). 2019.

4. Тайланова Ш. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини шакллантириш. Пед. фан. ном. ...дисс. – Т.: 2012.